2010-yil 23-fevral № 24 (2749) seshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, зарра-ма-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу.*

*Ислом КАРИМОВ*

## Ўғлонлар хизматга отланди



Президентимизнинг шу йил 19 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорига асосан жойларда Ватан ҳимоячиларини ҳарбий хизматга кузатиш ва кутиб олиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу тадбирга пухта тайёргарлик кўрилиб, жойларда чақирилувчиларни Қуролли Кучларимиз сафига кузатиш маросимлари давом этмоқда.

**Суратда: Хўжайли туманидан ҳарбий хизматга чақирилган Мансур Шоҳназаров бувиси Саригул Бердимбетова билан.**

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат**

Бизнинг мусоҳаба

*Аслида, аёлликнинг, оналикнинг ўзи улуғ мартаба. Болаларга тўғри тарбия бериш, рўзғорни рисоладагидек юритиш, оиладан ортиб яна бирон-бир идорада фаолият кўрсатиш чинакам фидойиликдир. Жамият ҳаётида из қолдираётган бундай аёллар жуда кўп. Уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда Федерация кенгаши ва унинг тармоқ ҳамда ҳудудий кенгашларининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари олиб бораётган ишлар диққатга сазовор. Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Улзода АУЕЗМУРАТОВА билан суҳбатимиз ҳам шу хусусида бўлди:*

## Аёл, жамият ва касаба уюшмалари

— Биз хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз. Уларнинг фарзандларига меҳрибонлик кўрсатиш, оналикни меҳнат билан қўшиб олиб боришда ҳамиша камарбастамиз. Айниқса, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ўтган йилда бандлик дастури бўйича 3177 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 9113 нафар хотин-қиздан 8035 нафари ишга жойлаштирилди. Тадбиркор хотин-қизлардан 729 нафарига 5398,3 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу эзгу ишда касаба уюшмасининг ҳам муносиб ўрни борлигидан мамнунмиз.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да йўлимиз ҳам, эзгу ишимиз ҳам ўз-ўзидан қишлоқларга боғланди, десам муболаға бўлмайди. Бу борада, айниқса, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республика кенгаши фаолияти диққатга лойиқ. 92146 нафар касаба уюшма аъзосини бириктирган тармоқ кенгашида 327 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор. Аъзоларнинг 35 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар, 42 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади.

Тармоқ кенгашларида ташкилот, корхона ва муассасаларда хизмат қилаётган кам таъминланган, кўп болали оилалар, етим-есирлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, уларга мадад қўлини чўзиш анъанага айланган.

Жамоа шартномалари орқали қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар 103 нафар онага моддий ёрдам кўрсатилди. 82 нафар аёлга туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилди.

Хотин-қизлар байрамида «Турон» ҳиссадорлик жамияти томонидан 75 нафар хотин-қизга 2,5 млн. сўм, «Хўжайли толаси» ҳиссадорлик жамияти томонидан 135 хотин-қизга 3,5 млн. сўм ва Нукус туманидаги 20 нафар етим қиз ҳамда фахрий аёлларга 1,5 млн. сўм, Мустақиллик байрамида 11 нафар хотин-қизга, ҳайит байрами муносабати билан 70 нафар хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилди. Уларга ҳар томонлама қулайлик яратиш ҳам доим эътиборимизда. Тикувчилик цехи, гўзаллик салони, қизларга ҳунар ўргатувчи ўқув марказлари ҳар бир маҳаллада фаолият кўрсатмоқда.

Хотин-қизларни соғломлаштириш мақсадида 20-30 ёшдаги касаба уюшма аъзолари ўртасида Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган спартакиадада иштирок этган вакилларимиз шахмат, стол тенниси ва енгил атлетика турлари бўйича биринчи ўринни эгаллашди. Қорақалпоқ Давлат университетида ўтган «Келинг, қизлар беллашайлик» танлови ҳам спорт байрамига айланиб кетди. Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Ўтган йилда тармоқ бўйича 135 нафар хотин-қиз энг нуфузли санаторийларда соғлиғини тиклади. 16 нафар аёл эса бепул соғломлаштирилди. Бу мақсадларга 5 млн. 511 минг сўм маблағ сарфланди.

Қорақалпоқ аёллари азалдан билимга чанқоқлиги ва донолиги билан тилга тушган. Бугун ҳам воҳа хотин-қизлари барча соҳаларда ўз иқтидори билан нуфузли ўрин эгаллаган. Нукус Давлат педагогика институтида 2009 йилда 6 нафар хотин-қиз номзодлик илмий ишини ёқлади. Уларнинг ҳар бирига бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Комиссия аъзоларимиз хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида ҳали кўп ишлар қилиш керак. Ахир, кўпдан қуён қочиб қутулмас, деган нақл бежиз айтилмаган-ку! Шундан келиб чиққан ҳолда, мавжуд муаммоларга биргаликда барҳам бериш чораларини кўраяпмиз.

**Суҳбатни «Ishonch» мухбири Амина ҚОДИРОВА ёзиб олди.**

Хушхабар

## «Ishonch» — танлов ғолиби



***Оммавий ахборот воситалари жамиятда муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, журналист кадрлар тайёрлаш, ОАВ бозорини ривожлантириш ва унда адолатли рақобат муҳитини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.***

*Кеча Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалари» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.*

*Конференция доирасида босма нашрларни янада такомиллаштириш, жаҳон андазаларига мос ҳолда ривожлантириш, ОАВ ходимларининг обрўси ва манфаатдорлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Эътироф» ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.*

*Республикадаги газета, журнал, интернет агентликлари ва нашрлар ўртасида ўтказилган мазкур танловда «Энг яхши болалар нашри», «Энг яхши ижтимоий-сиёсий газета», «Босма нашрнинг энг яхши дизайни учун», «Энг яхши тармоқ нашри», «Йилнинг энг фаол нашри» ва «Босма нашрнинг энг яхши веб-сайти учун» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. «Ishonch» газетаси «Энг яхши тармоқ нашри» номинациясида ғолиб деб топилиб, совға билан тақдирланди.*

**Ўз мухбиримиз**

Офарин

**Гулистон шаҳридаги «Абдулазиз ҳамкор транс» хусусий фирмаси қошида ташкил этилган «Такси плюс» хизматидан барча мамнун. Эндиликда сирдарёлик йўловчилар ва вилоят марказига ташриф буюрган меҳмонлар йўлкира ҳақини пластик карточкалар орқали тўлайдиган бўлдилар.**

## ЙЎЛ ҲАҚИ — ПЛАСТИК КАРТОЧКАДА

Мазкур фирма «Микрокредитбанк»нинг Боёвут туман филиалидан олган 72 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари эвазига 10 та «Матиз» русумли енгил автомобиллар харид қилди. Натижада, уларнинг ҳаракат йўналишлари сонини янада кенгайтириш имконияти туғилди.

Ҳозирги вақтда ушбу таксилар нафақат Гулистон шаҳри, балки унинг теварак-атрофида жойлашган қишлоқ ва бошқа аҳоли пунктлари бўйлаб йўловчилар оғирини енгил қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, фирмада янги 17 та иш ўрни яратилди. Ҳар бир такси автомашинаси сиртига хизмат турлари ва ҳайдовчининг уяли телефон рақами ёзиб қўйилганлиги, шунингдек, уларнинг ҳар бирига махсус терминал аппарати ўрнатилганлиги барчани мамнун этмоқда.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ, «Ishonch» мухбири**

Таҳлил

## Аъзолар сони ошмоқда

**Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакили Ўринбой АҲМЕДОВ билан суҳбат**

**— Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ишлари авжида. Андижон вилоятида ҳам кенг миқёсда уй-жой қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бундан сиз етакчилик қилаётган соҳа ходимлари сони ортиб, касаба уюшма аъзолари ҳам кўпаймоқда дея, хулоса чиқариш мумкин...**

— Тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакиллиги тасарруфидаги ташкилотлар сони бугун 38 тага етиб, аъзоларимиз сони 4925 нафарни ташкил этмоқда. Лекин имконият даражаси билан қиёслаганда бу жуда кичик кўрсаткич. Шу боис ҳам зиммамизда касаба уюшма аъзолиги афзалликларини кенг тарғиб этиш вазифаси турибди.

Ўтган йилги саъй-ҳаракатларимиз натижасида аъзоларимиз сони 1200 нафарга ошди. Сафимизни 2009 йилда Олтинкўл туманидаги «Евро-Азия пласт» қўшма корхонаси, «Беллона меллениум» қўшма корхонаси ҳамда Хонободдаги «Гидроспецмонтаж» масъулияти чекланган жамият ишчи-ходимлари тўлдиришди.

Бу корхоналарда асосан қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Нодавлат секторидаги корхона ва муассасаларда ҳам янги касаба уюшма ташкилотларини тузиш ишларини жадаллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Маълумотларга кўра, хусусий қурилиш фирмаларида ёлланма ишчилар билан оғзаки шартнома, келишув асосида ишлаш йўлга қўйилган. Биз шу масалада ҳеч бир фирма билан муроса қила олмаймиз. Чунки бу ўринда меҳнат қонунчилиги бузилмоқда. Шундан бўлса керак, қонуний ҳужжатсиз ишлаган айрим шахслар иш ҳақларини ололмасдан сарсон бўлиб юришибди. Агар улар меҳнат шартномаси тузиб ишлаганларида касаба уюшма ташкилотига мурожаат этишлари ва ўз ҳақларини вақтида олиши мумкин бўларди.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Ишимиз нуфузимизга яраша

***Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кучли фуқаролик жамияти барпо этишда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш давр талаби эканлиги алоҳида таъкидланди.***

Сир эмаски, касаба уюшмалари жамоат ташкилотлари орасида алоҳида нуфузга эга. Бу биринчи навбатда, унинг оммавийлиги билан белгиланади. Бугунги кунда вилоятимизда 2734 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, 558 мингдан зиёд меҳнаткаш касаба уюшмасига бирлашган.

Касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ғоят серқирра. Меҳнаткашлар орасида миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда фаол иштирок этиш ана шулардан бири. Қолаверса, ўтиш даври талаби ҳамдир. Шу боис касаба уюшмалари жамиятнинг маданий-маърифий янгиланиши, юксак ахлоқийликнинг қарор топиши, соғлом турмуш тарзининг шаклланиши, касаба уюшма аъзоларида юксак ватанпарварлик туйғулари, мустақиллик мафкураси, ўз ватани билан фахрланиш, қўйингки, жамиятимиз тараққиётига асос бўлган барча эзгуликларни тарбиялашда фаол қатнашмоқда.

Кенгашимизнинг вилоят Маънавият-тарғибот маркази, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликдаги фаолияти ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ўтган йилда хотин-қизлар қўмитаси, «Омбудсман»нинг вилоятдаги вакили ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда хотин-қизлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича учрашувлар ўтказдик.

Касб-ҳунар коллежларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда «Қулликка рози бўлманг», «Ватан гадоси — кафан гадоси», «Одам савдосига қарши кураш», «Келажак ёшларники» мавзуида давра суҳбатлари уюштирилди.

«Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси, Ички ишлар бошқармаси билан ёз мавсумида 120 нафар тарбияси оғир болалар соғломлаштирилди. Шунингдек, «Қишлоғим — фахрим» танлови ўтказилди.

Вилоятдаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» танлови, ёшлар ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланмоқда. Айниқса, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари билан ёзда маҳалла болалари учун футбол мусобақалари ташкил этилгани катта қизиқиш уйғотди.

Касаба уюшмаси давлат дастурларини амалга оширишда ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, ўтган йили қишлоқ хўжалик ходимлари ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, жамоа келишувлари ва шартномалари орқали 424 та корхонада 4462 нафар кам таъминланган оилага корхона ҳисобидан 110,2 миллион сўмлик, касаба уюшмасидан 14,7 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 3 та корхонада узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 96 нафар ходимга 122 млн. 966 минг сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. 86 та корхонада 138 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилди ва бунга 8,4 миллион иш берувчилар маблағидан сарфланди.

(Давоми 2-бетда)

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 23-fevral №24 (2749)

Саньат олами

# Сурдо театри



***Талабалик йилларимизда бўлиб ўтган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Дўстим билан кечқурун нон сотиб олгани магазинга бордик. Сотувчи русий забон аёл экан. Дўстим негадир унга жим тикилиб қолди... Сотувчи: ҳам «Қанақасидан?» дегандек дўстимнинг жавобини кутганча турибди. У эса ҳадеганда гапира олмаяпти. Ниҳоят: — Чёрный тоже пойдет, чёрный хлеб дайте, — деб юборди.***

Ўртоғим «б»ни талаффуз қилишга қийналгани боис «белый хлеб» дейиш ўрнига тескарисини айтганди. Биз анча вақтлар davраларда бу воқеани кулиб эслаб юрдик.

Нимагадир бийрон сўзлаш қобилиятига эга бўлмаган кишиларни ҳам соқов деб аташга ўрганиб қолганмиз. Аслида, гунг бошқа, соқов ва кар бошқа. Бу нуқсонлар бир одамда бўлса, уни «гунг» дейишади.

Бугунги кунда Ўзбекистон кар ва соқовлар ташкилоти аъзолари сони 25 минг нафарни ташкил этади. Уларга кўмаклашиш, ғамхўрлик кўрсатиш борасида талай ишлар қилинмоқда. Айниқса, уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун шароит яратилаётганлиги диққатга сазовор. Ўтган йили Тошкентдаги «Кар ва соқовлар» маданият саройида 700 нафар томошабин учун ана шундай саҳна асари намойиш қилинди. Шуҳратнинг «Беш кунлик куёв» комедияси асосида театрлаштирилган ушбу спектакл 2009 йил 3 декабр куни «Ўзбекистон» телеканалида соат 14:40 дан 16:00 гача эфирга узатилди. Унинг ташкилотчиси ва режиссёри, қолаверса, асардаги баъзи воқеаларни замонага мослаштирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жумадилла Раметов экан.

Асар ҳақида гапиришдан олдин муаллиф ҳақида бироз тўхталиб ўтишни жоиз топдим. Раметовлар оиласини «актёрлар хонадони» десак, тўғрироқ бўлади. Ж.Раметов 1977 йилда ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг театр режиссёрлиги бўлимини тугатиб, Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрида ишлади. Ҳозир Ўзбек давлат драма театрида хизмат қилмоқда. Турмуш ўртоғи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова эса Ўзбек миллий академик драма театридаги ижоди ва кинолар орқали томошабинларга турли-туман ролларни туҳфа этмоқда. Уларнинг фарзанди Азизбек Раметов ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси бўлса-да, 20 дан ортиқ филм ва сериалларда ижро этган роллари билан мухлислар эътиборини қозонган. Унинг келажакда етук санъаткор бўлиб шаклланишига умид катта.

Хўш, Жумадилла Раметовни бу соҳага қўл уришга нима мажбур қилди? Нега бундай мураккаб юмушни зиммасига олди?

— Домла, — деганди Жумадилла хонадонида бўлган бир суҳбатимизда, — 2005 йил кузида Парижда бўлган ижодий сафаримизда у ердаги «Кар ва соқовлар» театрига кирдим. Гарчи француз тилини билмасам-да, имо-ишоралар йўналиши мени ўзига ром эта бошлади. Ўша ерда кўнглимдан шундай фикр ўтди: «Нега энди Ўзбекистонда ҳам шундай театр саҳнасини ташкил этиш мумкин эмас?». Катта ният билан Тошкентга қайтдим. Ишни «Ўзбекистон карларининг имо-ишора нутқи» (т:«Зарқалам», 2005 й) китобидан бошладим. Сурдо таржимони Лола Юсуповадан ёрдам олдим. Гунглар мактабига тез-тез бориб ўқувчилар билан ишладим. Қарабсизки, бир йил ичида имо-ишора (Сурдо) тилини ўрганиб, шу мактаб ўқувчилари иштирокида дастлаб 2006 йилда ўзбек халқ эртаклари асосида «Сайёҳ масхарабоз», сўнгра «Зумрад ва Қиммат» спектаклларини саҳналаштириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этдим. Натижа ёмон бўлмади. Сўнгра менда каттароқ асарни саҳналаштириш нияти туғилди. Замонамизни акс эттирувчи асар излай бошладим. «Кар ва соқовлар» ташкилоти мутасаддилари билан келишиб, ушбу ташкилотнинг 80 йиллик тўйига совға тайёрлаш ниятида Шуҳрат домланинг «Беш кунлик куёв» комедиясини саҳналаштиришга киришдим. Бу асар устида икки йил тинимсиз ишлашга тўғри келди. Назаримда, асар воқеалари бугунги кун учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Воқеан, ота-онаси Ўлмасхонни чет элга ўқишга юбориш учун турли йўллар излаб, мутахассислиги бўйича севган йигити билан вилоятга ишга бориш ниятида бўлган қизларининг истагига қарши иш тутишади. Уни қишлоқдан ишлаш учун келган жиянлари Одил билан ясама «ЗАГС»дан ўтказишади. Оқибатда эса кўнгилсизликлар юз беради.

Ҳозирда ҳам чет элга ишлаш иштиёқида юрган ёшлар кўплаб учрайди. Шу жиҳатдан спектакл воқеалари уларга сабоқ бўлиши мумкин.

Спектаклни телевизор орқали томоша қилганимда, театр-студия актёрлари имо-ишора орқали ҳар бир қаҳрамон ички оламини тўлақонли очиб берганлигига гувоҳ бўлдим. Айниқса, Зафар Зикиров ижросида Азларбек, Олмахон Зокирова талқинида Кишвархон ая, Дилдора Мирсаидова ижросида Ўлмасхон образлари ишонарли ва самимият билан яратилган. Образларнинг тўлақонли чиқишида Аббос Кенжабоев, Хосият Узгенбоеваларнинг самарали меҳнати ҳам кўзга ташланади.

Савол туғилади: сурдо тилини билмаган соғлом томошабин спектални қандай идрок этиши мумкин? Ж.Раметов бунинг йўлини топган. Имо-ишораларни ўзи узлуксиз таржима қилиб, микрофон орқали овоз бериб боради. Аёллар имо-ишорасини эса Лола Юсупова овози орқали англаш имконияти яратилган. Шунингдек, мусиқа ва ашула ҳам Азизбек Раметов ижросида саҳнага мослаштирилган.

Ногирон инсонларда санъат орқали ҳаётга муҳаббат уйғотиш, уларга эстетик завқ бағишлаш, яна улар орасидан истеъдодларни излаб топиб, роллар бажартириш ҳар қанча машаққатли бўлмасин, ғоят савобли юмуш. Вақти келиб, кар-соқов(гунг)ларнинг ўз театрлари пайдо бўлса, не ажаб!

**Норқул БЕКМИРЗАЕВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Баркамоллик сари

## Қарши Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида етти мутахассислик бўйича 900 нафардан ортиқ талаба илм олмоқда.





**Коллеж синф хоналари компютер ва техник воситалар билан жиҳозланган. Бу ёшларнинг билим эгаллашига кўмаклашмоқда.**

**Суратларда: коллеж талабалари маънавият ва маърифат марказида; электроника ва электротехника фани ўқитувчиси Нодирабегим Бакиева иш устида.**

**Шомурод ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

Ўтмишга саёҳат

***«Заминдаги ҳаёт куртаклари бизнинг она юртимизда дунёга келганлигини тасдиқловчи далилий ашёларни кўриб хурсанд бўлиб кетдим. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги тарихий жойлар, музейлардаги экспонатлар фикримни тасдиқлайди. Айниқса, динозаврларнинг оёқ изларини кўрганимда...»***

## Динозаврни кўрганда...

Саёҳатни яхши кўрадиган дўстимнинг айтган гаплари рост эди.

Геология музейи экспонатлари билан танишар эканман, она юртимизнинг ҳар қадами тарих, тупроғи олтин эканлигига, юқорида айтилган гапларнинг ҳақлилигига амин бўлдим. Музейнинг полеантология залида каттакон хонани бор бўй-басти билан эгаллаб турган ўрдакбурун динозаврни кўриб, ҳайратдан қотиб қолганман. Қарангки, бу жонзот динозаврнинг боласи экан?! Боласи шундай бўлса, ота-онаси қандай бўлган экан, деган ўй кечади хаёлдан.



Музей ходимаси Ақида опа Мирусмонованинг айтишича, бир пайтлар ҳудудларимизда яшаган динозаврнинг баландлиги 15 метр, узунлиги 25 метр, оғирлиги 60-70 тонна бўлган. Бу динозавр Тошкент шаҳридан 45 километр узоқликда жойлашган тоғлар бағридан 1960 йилда топилган. Ноёб экспонат — динозавр 2 оёқли бўлиб, бармоқлари хўрозникига ўхшаб кетади. Қўллари тўрт бармоқли, тумшуғи ҳам ғалати, шунинг учун ўрдакбурун динозавр деб номлашибди. Аниқ маълумотларга асосланиб, бу динозавр 130 миллион йил илгари умргузаронлик қилган деган тўхтамга келишибди. Демак, бу динозавр ҳам қуруқликда, ҳам сувда ҳаёт кечирган. Залдаги динозаврлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган топилмалар билан танишиб, динозаврларнинг бармоқ излари муҳрланиб қолган тошларни ҳам кўрдик. Қаранг, уларнинг уч бармоқли, айни вақтда беш бармоқли турлари ҳам бўлган экан. Рассомларнинг далилий ашёлар асосида яратган расмларига қараб, динозаврларнинг диёримизда қуруқликда яшовчи, осмонда учувчи, сувда сузувчи турлари мавжуд бўлганлигини беихтиёр кўз олдингизга келтирасиз. Залдаги бундан 540 миллион йил илгариги даврни акс эттирувчи суратларга қараб, Ўзбекистоннинг бугунги харитаси билан чоғиштирамиз. Демак, биз ҳозир яшаб турган замин бир пайтлар сув остида бўлган экан-да. Бир ҳужайрали мавжудотларнинг пайдо бўлиши, уларнинг яшаш учун курашгани, табиатга мослашгани яшаб қолганини исботлаб турибди, бу экспонатлар! Ўша даврлардан мужда бўлиб, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳудудларидан келтирилган топилмалар хаёлларни олис мозий томонларга олиб кетади.

Ҳудудимиздан ҳатто тош дарахтлар ҳам топилган экан. Табиат ўзгаришлари таъсирида йўқолиб кетган, аммо сув ичида қолган қисмига ўрнашган микроэлементлар дарахтларни тошга айлантирган. Унинг чириб кетишига йўл қўймаган. Мана бу эса чиғаноқлар, нақ ош сузадиган лагандай келади! Юра даврида эса Самарқанд, Бухоро, Хоразмга ҳозирда тегишли бўлган жойлардан сув қочиб, қуруқлик барпо бўлгани борасида далиллар бор.

Мана бу эса Бўр даври! Кит балиқларнинг тишлари, суяклари! Сурхондарёнинг Равот қишлоғи номи музейда ҳар куни, билмадим, неча марта такрорланар экан! Чунки бу жойдан беш панжали динозаврнинг қолдиқлари топилган. Мана буни суяк деса бўлади. Залда 8 маротаба кичрайтириб яратилган динозаврнинг ҳайкали бор. Бу баҳайбат махлуқ ўз вақтида манаман деган ҳайвонни эсанкиратиб қўйган бўлса керак. Музейда бегемотлар, каркидонлар, динозаврларнинг даврлар ўтиши билан кичрайиб борган ҳолатлари акс эттирилган, гўё.

Геология музейи ҳар куни пойтахтимиз ва вилоятлардан ташриф буюраётган талабалар билан гавжум. Уларга атрофлича маълумот бериш учун экскурсоводлар бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар. Кўргазмага қўйилган ҳар бир экспонат бизга тарихдан мужда, нақадар қадимий юртимизнинг ўтмишини ўзида мужассам этгандек.

Рассомлар чизган динозаврларга қарайман... Бири учаяпти, бири қуруқликда юрибди, бири сувда... Йўқ, улар ҳеч нарсани бўрттиришмаган. Улар бизларга жониворларига меҳр кўзи билан қарашни ўргатаётган каби. Агар уларни асраб-авайламасак, динозаврларга ўхшаб музейга тушиб қолади, деяётгандек...

Геология музейини инсон билан табиатни боғлаб турган бебаҳо кўприкка менгзаса бўлади. Қалбимизга ўтмиш туйғуларини сингдирган, табиатга тўғри муносабатда бўлишга ундаётган бу музейга сиз ҳам бир ташриф буюрсангиз, сўзларимиз ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қиласиз.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

Футбол

***«Насаф» клуби ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳужумчиси Кенжа Тўраев ўзининг эпчиллиги, тўп билан эркин муомалада бўлиши, алдамчи ҳаракатлари билан мухлислар эътиборини қозониб келмоқда.***

## «НАСАФ»нинг Кенжаси



**Бу футболчининг қишлоқдан эканлигини биласизми? Устозлари кимлар? Қандай орзулар билан яшаётганини-чи? Қуйида барча саволларингизга жавоб оласиз?**

**— Кенжа, суҳбатимизни чарм тўп сирларини қаерда ўрганганлигингизга ойдинлик киритишдан бошласак.**

— 1989 йилда Чироқчи туманидаги «Кўкдала» жамоа хўжалигида туғилганман. Акаларим, амакиларимнинг футболга қизиқиши юқори. Бу менга ҳам «юқди». 11 ёшимда Қарши шаҳридаги футбол мактаб-интернатига ўқишга кириб, Алишер ва Жасур Ибрагимовдан футбол сирларини ўргана бошладим. Жамоамиз футбол интернатлари ўртасида ўтган республика биринчилигида яхши қатнашарди. 2005 йилда совриндор ҳам бўлдик.

Худди шу йили «Насаф»га таклиф қилишди ва «Насаф-2» жамоасида, мамлакат биринчилиги 1-лигасида тўп суриб, изланишда давом этдим.

2006 йилда олий лигага — ўринбосарлар таркибига жалб қилишди. Шу мавсумнинг иккинчи даврасидан эътиборан «Насаф»нинг асосий таркибида ҳам майдонга туша бошладим.

Ёдимда, асосий таркибдаги биринчи ўйиним Қаршида Самарқанднинг «Динамо» клубига қарши кечганди. Учрашувнинг 70-дақиқасида Вали Келдиевнинг ўрнига майдонга тушиб, Зафар Холмуродовнинг голига ҳаммуаллифлик қилгандим. Ўшанда ўйин 1:1 ҳисобида тугаганди.

2007 йилдан мураббийлар асосий таркибда ўйин аввалидан майдонга тушира бошлашди...

**— Сиз Аҳмад Убайдуллаев устозлигида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибида самарали ўйин кўрсатдингиз. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2008 йилда Осиё чемпионати кумуш медалини қўлга киритиб, йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг энг яхши жамоаси, деб топилганди. Жамоа 2009 йилда Мисрда ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этди. Ютуқли ва мағлубиятли ўйинлар... Ёшлар термасидаги фаолиятингиздан қанчалик даражада қоникдингиз?**

— Аҳмад ака жамоанинг шаклланишига катта ҳисса қўшди. Уч-тўрт йил бирга тўп суриш жараёнида ўз ўйин услубимизни яратишга ҳаракат қилдик.

2007 йил Тошкент шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионати гуруҳ учрашувларида Иордания, Непал жамоаларини мағлуб этдик. Ўйинларда битта тўп муаллифи бўлдим.

2008 йил Осиё чемпионатидан ҳам ёрқин хотиралар қолди. Жамоамизнинг ҳар бир ўйинчиси ғалаба учун бор кучини бериб ўйнади. Биз мусобақа фаворити ҳисобланмасак-да, якунда 2-ўриндан жой олдик.

Мисрда ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига пухта ҳозирлик кўришимиз учун Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти барча шароитларни яратиб берди. Европа мамлакатларида қатор ўқув-машғулот йиғинларида қатнашдик. Турли терма жамоа ва клублар билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушдик. Гарчи жаҳон чемпионатида яхши натижага эришолмаган бўлсак-да, Гана, Уругвай, Англия каби ўз тарихига эга терма жамоалардан жисмоний тайёргарлик, тактика борасида кўп нарсани ўргандик. Ҳали ўз устимизда кўп ишлашимиз лозимлигини англаб етдик.

**— «Насаф» жамоаси 2009 йилги мавсумда Қарши шаҳрида «Бунёдкор» жамоасига қарши яхши тўп сурганди.**

— Нимасини айтасиз, «Бунёдкор»нинг таркиби жуда кучли. Мисол учун, Ривалдонинг бой тажрибаси биз ёш футболчилар учун катта мактаб вазифасини бажаради. Гарчи мағлубиятга учраган бўлсак-да, «Бунёдкор» ва «Пахтакор» клубларига муносиб қаршилик кўрсатадиган жамоалардан бири эканлигимиздан фахрланаман.

**— «Насаф» жорий йилда ОФК кубоги мусобақасида қатнашади. Янги мавсумга тайёргарлик қандай кетяпти?**

— Жамоанинг ОФК кубогида иштирок этиши муносабати билан машғулотлар декабр ойиданоқ бошланганди. Қолаверса, ҳомийларимиз, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги барча шарт-шароитларни яратиб беряпти. Биз ҳам, ўз навбатида, ишқибозларни хурсанд қилишга ҳаракат қиламиз.

**— Оилангизда сиздан бошқа спортчилар ҳам борми?**

— Укам Абдували Тўраев «Насаф»нинг ўринбосарлар таркибида, ҳимоячи сифатида тўп суряпти.

**— Орзуларингиз...**

— Бразилиялик футбол юлдузи Роналдога ҳавас қиламан. «Насаф» жамоаси ғалабаларига ўз голларим билан ҳисса қўшсам, миллий терма жамоа таркибида ҳам тўп суриб, ўзбек ишқибозларини қувонтирсам, дейман.

**Акмал АБДИЕВ**
**суҳбатлашди.**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмиталари раислар Кенгаши жамоалари «Ўзкабел» Очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси Р.Турсуновга волидаи муҳтарамаси

**МАНЗУРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий вакилликлари Фарғона вилояти бўйича вакилликнинг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Баҳром Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

**ДОНОХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
D.Rahmonova

Navbatchi:
N.Maxamov

Musahhih:
S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 19.20

Буюртма Г — 152

20583 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 3 4 5